

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ

“ҲАЁТ-ФАОЛИЯТ ХАВФСИЗЛИГИ” кафедраси



“МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ МАҲСУС КУРСИ”

**фанидан мустақил ишларни
бажариш бўйича**

МЕТОДИК КЎРСАТМА

Тошкент - 2012

Ушбу методик кўрсатма институт Илмий – методик кенгашининг 2012 йил „___” – сонли мажлисида кўриб чиқилди ва чоп этишга тавсия этилди.

Методик кўрсатма 5640100 “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” бакалавриат таълим йўналиши талабаларига “Ҳаёт-фаолият хавфсизлиги” кафедрасида ўқитиладиган “Мехнат муҳофазаси маҳсус курси” фани доирасида талабалар мустақил ишларини ташкил этиш ва бажариш учун мўлжалланган.

Фан бўйича талабалар мустақил ишига ажратилган соатлар “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” йўналишининг тасдиқланган ишчи ўқув режасига ва фаннинг ишчи ўқув дастурига мос келади.

Тузувчи: Ибрагимов Э.И., к.ўқит.

Тақризчилар: Петросова Л.И. - Тошкент Давлат техник университети доценти, т.ф.н.

Мамажанов А., доцент, т.ф.н.

© Тошкент ирригация ва мелиорация институти, 2012 й.

КИРИШ

Замонавий ишлаб чиқариш талабларига мос равища чукур назарий ва амалий билимларни эгаллаш билан бир қаторда танлаган соҳаси бўйича мустақил фаолият кўрсата оладиган, ўз билими ва малакасини мустақил равища ошириб борадиган, масалага ижодий ёндошган ҳолда муаммоли вазиятларни тўғри аниқлаб, таҳлил қилиб, шароитга тез мослаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва “Таълим тўғрисидаги” қонунда асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Мустақил давлатимиз тараққиётини ва унинг халқаро даражадаги нуфузини кўтаришда ҳар томонлама етук, интилевчан ва замонавий тасаввур ва тушунчаларга эга бўлган мутахассислар катта рол ўйнайди.

Бўлажак мутахассисларни замон талабларига мос равища тайёрлашда, фанларни тўла ўзлаштиришда мустақил ишларни бажариш ҳажми ва сифати катта аҳамиятга эга. Чунки турли соҳаларда ахборот ва билимлар ҳажми жуда жадал суръатлар билан ошиб бораётган ҳозирги шароитда барча маълумотларни фақат аудитория машғулотлари пайтида талабаларга етказиш муаммоли масаладир.

Талабалар фанлар бўйича мустақил равища шуғулланса ва ўз устида тинимсиз ишласа, турли манбалардан (интернет, журналлар ва бошқа) билимларни чукур ўзлаштириши мумкин. Талабаларнинг асосий билим, кўнишка ва малакалари мустақил таълим жараёнидагина шаклланади, мустақил фаолият кўрсатиш қобилияти ривожланади ва уларда ижодий ишлашга қизиқиш пайдо бўлади. Шунинг учун талабаларнинг мустақил таълим олишларини режалаштириш, ташкил қилиш ва бунинг учун барча зарурий шарт-шароитларни яратиш, дарс машғулотларида талабаларни ўқитиш билан бир қаторда уларни кўпроқ ўқишига ўргатиш, билим олиш йўлларини кўрсатиш, мустақил таълим олиш учун йўлланма бериш асосий вазифалардан бири хисобланади.

Жамият учун инсон бутун фаолияти давомида қадр - қимматга эга бўлиши лозим. Шу сабабли бизнинг давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан меҳнатни муҳофаза қилишнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш, ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган даражада ишлаб чиқиш ва амалга тадбиқ этиш борасидаги ишлар жадаллик билан олиб борилмоқда. 1993 йил май ойида „Меҳнатни муҳофаза қилиш қонуни”нинг, 1996 йил 1 апрелдан эса янги „Меҳнат кодекси”нинг кучга киритилиши Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг меҳнатини муҳофазалаш ва хавфсизлигини таъминлаш умумдавлат миқёсидаги масала даражасига кўтарилиганини кўрсатади.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2000 йил 12 июлда “Меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий хужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида”ги № 267 қарор қабул қилинди. 2008 йил 10 сентябрда “Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”ги, 2009 йил 16 апрелда эса “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди. 2010 йил 20 июлда эса Вазирлар Маҳкамаси томонидан

“Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича норматив-хуқуқий базани янада такомиллаштириш тўғрисида”ги №153 қарор қабул қилинди. Бунинг натижасида меҳнат муҳофазаси соҳасида меъёрий хужжатларни қайта қўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш янада жадаллашди.

Юқоридагилар ва меҳнат муҳофазаси бўйича қабул қилинган бошқа ўнлаб меъёрий-хуқуқий хужжатлар, Низомлар, қоидалар, йўриқномаларнинг барчаси ишлаб чиқаришда ишловчилар хаёти, соғлиги ва иш қобилиятини муҳофазалаш, турли баҳтсиз ҳодисаларнинг, жароҳатланишлар ва касб касалликларининг олдини олиш, қулай ва бехатар меҳнат шароитларини яратишга хизмат қиласи. Чунки инсоннинг соғлиғига, хаётига ва қадр - қимматига бўлган эътибор ҳар қандай жамият тараққиёт даражасининг асосий ўлчов мезонларидан биридир.

Фуқароларининг хаёти ва соғлигини ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида муҳофазалашда “Меҳнат муҳофазаси маҳсус курси” фани асосий ўринлардан бирини эгаллади.

“Меҳнат муҳофазаси маҳсус курси” фанининг мақсади ишлаб чиқаришда хавфсиз ва соғлом иш шароитларини яратиш учун мутахассисларни назарий ва амалий жиҳатдан тайёрлаш, ишлаб чиқариш мухитида ишчи ва хизматчиларни тўғри ҳаракат қилиш ва ҳимояланишга ўргатишидир.

Мазкур методик кўрсатмада талабаларнинг “Меҳнат муҳофазаси маҳсус курси” фанини ўзлаштиришда мустақил ишларини ташкиллаштириш, уларнинг таркиби ва мазмuni, бажариш ва якунланиши тартиби тўғрисида маълумотлар берилган.

“Меҳнат муҳофазаси маҳсус курси” фани бўйича талабаларнинг мустақил ишини ташкил этиш, назорат қилиш ва уни баҳолаш Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2009 йил 14 август 286-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Талабалар мустақил ишини ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича Йўриқнома” каби меъёрий хужжатларда белгилаб берилган тартиб ва қоидалар асосида, ҳамда Тошкент ирригация ва мелиорация институти ректорининг 2009 йил 19 октябрдаги 241 А/Ф сонли буйруғи билан амалга тадбиқ этилган “Талабалар мустақил ишларини ташкил этиш тўғрисида”ги буйруғига ва институт ректорининг 8 октябр 2010 йилдаги 333 А/Ф сонли “Талабалар билимини баҳолаш рейтинг тизими тўғрисида”ги буйруғига асосан амалга оширилади.

Фан бўйича талаба мустақил таълими шакллари ва уларни баҳолаш тартиби “Ҳаёт-фаолияти хавфсизлиги” кафедрасининг 2010 йил 12 октябрдаги 1^M-сон ва 2011 йил 23 августдаги 1^A-сон мажлислари қарорларига асосан қабул қилинди.

“Меҳнат муҳофазаси маҳсус курси” фанидан талабаларнинг мустақил ишларининг умумий ҳажми ўқув режага мувофиқ 80 соатни ташкил этади. Ўқув семестри якунида эса, талабанинг фан бўйича мустақил иши бўйича тўплаган рейтинг баллари аудиториядаги ўқув ишларига берилган рейтинг баллари билан биргаликда умумий балини ташкил этади.

1. Мустақил ишнинг мақсади ва унга қўйиладиган талаблар

Талаба мустақил иши (ТМИ) - муайян фандан ўқув дастурида белгиланган билим, кўнирма ва малаканинг маълум бир қисмини талаба томонидан фан ўқитувчиси маслахати ва тавсиялари асосида аудитория ва аудиториядан ташқарида ўзлаштирилишига йўналтирилган тизимли фаолиятдир. Бу тизимли фаолиятни амалга ошириш биринчи курс талабалари учун қийин кечади. Чунки улар таълим олиш жараёнида ўз мустақил фаолиятларини ташкил қилишни деярли билишмайди. Маълумотларни қайси манбадан, қандай қилиб топиш, уларни таҳлил қилиш ва зарурларини ажратиб олиб тартибга солиш, конспектлаштириш, ўз фикрини аниқ ва ёркин ифодалаш, ўз вақтларини тўғри тақсимлаш, шунингдек, ақлий ва жисмоний имкониятларини тўғри баҳолаш улар учун катта муаммо бўлади. Энг асосийси улар мустақил таълим олишга руҳан тайёр бўлишмайди. Шунинг учун таълим жараёнида долзарб масалалардан биттаси талабада ўз қобилияти ва ақлий имкониятларига ишонч уйғотишидир. Уларни босқичма-босқич мустақил билим олишни тўғри ташкил қилишга ўргатиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади. Талабалар томонидан мустақил равища ўзлаштириладиган билим ва кўнишкаларнинг курсдан-курсга мураккаблашиб, кенгайиб боришини ҳисобга олган ҳолда уларнинг ташаббускорлиги ва ролини ошириб бориш зарур. Шунда мустақил таълимга кўника бошлаган талаба фақат ўқитувчи томонидан белгилаб берилган ишларни бажарибгина қолмай, ўзининг эҳтиёжи, қизиқиши ва қобилиятига қараб, ўзи зарур деб ҳисоблаган қўшимча билимларни ҳам мустақил равища танлаб ўзлаштиришга ўрганиб боради.

“Меҳнат муҳофазаси маҳсус курси” фанидан мустақил ишни ташкил этишдан мақсад талабаларнинг мавзуларни чуқурроқ ўрганиши, билимлари ва малакасини мустаҳкамлашини таъминлашдир.

Фан бўйича мустақил иш топшириқлари муваффақиятли якунланиши учун қуйидаги талаблар бажарилиши лозим:

- мақсад (билимни мустаҳкамлаш, янги билимларни ўзлаштириш, ижодий фаолликни ошириш, амалий кўнирма ва малакаларни шакллантириш ва х.к.)нинг аниқ асосланиши;
- вазифа ва топшириқларнинг аниқ ва равshan белгиланиши;
- топшириқларни бажариш алгоритми ва методларидан талабаларнинг етарли даражада хабардор бўлиши;
- маслаҳат ва бошқа ёрдам турларининг тўғри белгиланиши (йўлланма ва кўрсатма бериш, мавзунинг мазмuni ва моҳиятини тушунтириш, муаммоли тошпириқларни бажариш усуллари бўйича тушунча бериш, айrim муаммоли ҳолатларни биргаликда ҳал қилиш ва х.к.);
- ҳисобот шакли ва баҳолаш мезонини аниқ белгилаш;
- назорат вақти, шакли ва турларини аниқ белгилаб олиш (амалий, семинар, лаборатория машғулотлари, консультация учун ёки назорат учун маҳсус ажратилган вақт; маъруза ёки реферат матни, бажарилган топшириқлар дафтари, назорат ишлари, уй вазифаси дафтари, курс ишлари, тест, мақола, ностандарт топшириқлар, саволлар, мақола, кўргазмали жиҳозлар ва ижодий ишлар; савол-

жавоб, бажарилган иш мазмунни ва моҳиятини тушунтириб бериш, ёзма шаклда баён қилиш ва ҳ.к.).

Талабалар мустақил ишини самарали ташкил этишда:

- тизимли ёндашиш;
- барча босқичларини мувофиқлаштириш ва узвийлаштириш;
- бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш;
- ташкил этиш ва назорат қилиш механизмларини такомиллаштириб бориш зарур.

2. Талабалар мустақил ишларининг шакли ва мазмуни

“Мехнат муҳофазаси маҳсус курси” фанини ўқитиш талабаларнинг умумтаълим ва маҳсус фанларни ўрганишда орттирган билим ва тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Кўйилган вазифалар ўқиши жараёнида талабаларнинг маъруза ва амалий машғулотларида фаол иштирок этиши, ижодий ёндошиши, адабиётлар ва бошқа ахборот манбалари билан мустақил ишлаши ва ўқитувчи кузатувида мустақил таълим олиши билан амалга ошади.

“Мехнат муҳофазаси маҳсус курси” фани бўйича талабалар мустақил ишларининг шакли ва ҳажмини белгилашда қўйидаги жиҳатлар эътиборга олиниши керак:

- “Мехнат муҳофазаси маҳсус курси” фанининг ўзига хос хусусияти ва уни ўзлаштиришдаги қийинчилик даражаси;
- талабанинг қобилияти ҳамда назарий ва амалий тайёргарлик даражаси (таянч билими);
- фаннинг ахборот манбалари билан таъминланганлик даражаси;
- талабанинг ахборот манбалари билан ишлай олиш даражаси.

“Мехнат муҳофазаси маҳсус курси” фанидан талабалар мустақил ишини шартли равишда иккига ажратиш мумкин:

- аудиторияда амалга ошириладиган талабалар мустақил ишлари. Бунда ўтилган мавзууни қайта ишлаш, кенгайтириш ва мустахкамлашга оид топшириқлар бажарилади;
- аудиториядан ташқарида амалга ошириладиган талабалар мустақил ишлари. Бунда “Мехнат муҳофазаси маҳсус курси” фанининг дастуридаги айрим мавзуларни мустақил ҳолда ўзлаштириш, уйга берилган вазифаларни бажариш, амалий ишларга тайёргарлик кўриб келиш, ижодий ва илмий-тадқиқот характеристидаги ишлар ва ҳ.к.

Мустақил иш учун бериладиган топшириқларнинг шакли ва ҳажми, қийинчилик даражаси семестрдан-семестрга қўнималар ҳосил бўлишига мувофиқ равишда ўзгариб, ошиб бориши лозим.

“Мехнат муҳофазаси маҳсус курси” фани бўйича талаба мустақил ишини ташкил этишда талабанинг академик ўзлаштириш даражаси ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда қўйидаги шакллардан фойдаланиш мумкин:

- фаннинг айрим мавзуларини ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш, ўқув манбалари билан ишлаш;

- фандан амалий машғулотларга тайёргарлик кўриб келиш;
- курс лойиҳаси бўлимларини бажариш;
- маълум мавзу бўйича реферат тайёрлаш;
- кўргазмали воситалар тайёрлаш;
- илмий мақола, тезислар ва маъруза тайёрлаш;
- битирув малакавий иши учун материаллар тўплаш;
- амалий мазмундаги ностандарт масалаларни ечиш ва ижодий ишлаш.

“Меҳнат муҳофазаси маҳсус курси” фанининг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда талабаларга мустақил иш учун бошқа шакллардаги вазифалар ҳам топширилиши мумкин. Талабаларга қайси турдаги топширикларни бериш лозимлиги кафедра томонидан белгиланади. Топшириқлар пухта ўйлаб ишлаб чиқилган ва маълум мақсадга йўналтирилган бўлиб, талабаларнинг аудитория машғулотларида олган билимларини мустаҳкамлаш, чукурлаштириш, кенгайтириш ва тўлдиришга хизмат қилиши керак.

3. “Меҳнат муҳофазаси маҳсус курси” фанидан мустақил ишлар мавзулари

“Меҳнат муҳофазаси маҳсус курси” фанидан таклиф этиладиган мустақил иш мавзулари ва уларни бажариш бўйича кўрсатмалар, эришилиши кўзланган натижалар қуйидаги жадвалда келтирилган (кўрсатмали воситалар тайёрлашда мавзу талаба томонидан эркин ҳолда, ўқитувчи билан маслаҳатлашиб, танланиши мумкин).

Жадвал
Талабалар мустақил ишини бажариш бўйича кўрсатмалар

T/ p	Мустақил иш мавзуси	Соат	Хисобот шакли	Ўрганиладиган саволлар	Ишни бажариш бўйича кўрсатмалар*
1	2	3	4	5	6
1	Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Меҳнат кодексининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги аҳамияти.	4	реферат	1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг меҳнат муҳофазаси ва ижтимоий соҳага оид моддалари. 2. Меҳнат кодексининг меҳнат муҳофазасига оид моддалари ва уларнинг моҳияти.	1; 3; 17; 33; 45; 46; 47; 48; 50; 59.

жадвал давоми

1	2	3	4	5	6
2	Меҳнатни муҳофаза қилиш масала ва муаммоларини ечишга жаҳон ва ватанимиз олим ва мутахасисларининг кўшган ҳиссалари.	4	реферат	1. Меҳнат муҳофазаси фанининг шаклланиши ва ривожланиши. 2. XIX ва XX асрда меҳнат муҳофазаси бўйича ишлаган олим ва мутахасислар. 3. Меҳнат муҳофазаси масалалари бўйича фаолият кўрсатаётган ватанимиз олим ва мутахасислар.	1; 2; 3; 4; 9; 10; 11; 13; 14; 15; 23; 24; 45-50; 60-67.
3	Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида Меҳнат халқаро ташкилоти (МОТ) томонидан олиб борилаётган ишлар.	4	реферат	1. МОТнинг ташкил этилиши, мақсад ва вазифаси. 2. МОТнинг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида килаётган ишлари. 3. Ўз.Р. ва МОТнинг меҳнатни муҳофаза қилишдаги ҳамкорлиги.	1; 2; 3; 4; 9; 10; 11; 13; 14; 15; 22; 23; 24; 45- 50; 60- 67.
4	Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида тузилган давлатлараро меъёрий хужжатлар ва уларнинг аҳамияти.	4	реферат	1. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида давлатлараро муносабатларнинг аҳамияти. 2. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида тузилган давлатлараро меъёрий хужжатлар тизими. 3. Давлатлараро тузилган стандартлар ва уларнинг аҳамияти.	1; 2; 3; 4; 6; 7; 8; 9; 10; 11; 13; 14; 15; 22; 23; 24; 45- 50; 60- 67.
5	Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимининг ҳозирги вақтдаги муаммолари.	6	реферат	1. Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизими тўғрисида тушунча. 2. Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқаришнинг функциялари ва воситалари.	1; 2; 3; 4; 6; 7; 8; 9; 10; 11; 13; 14; 15; 22; 23; 24; 45- 50; 60- 67.

жадвал давоми

1	2	3	4	5	6
				3. Сув ва қишлоқ хўжалигига меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимининг муаммолари.	
6	Меҳнатни муҳофаза қилишни давлат ва иқтисодиёт объектлари кесимида бошқариш тизими ва унинг структуравий тузилиши.	6	реферат	1. Ўзбекистонда меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизими. 2. Корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилишни бошқаришнинг структуравий тузилиши. 3. Давлат ва иқтисодиёт объектлари кесимида меҳнат муҳофазасини бошқаришни ташкиллаштириш муаммолари.	1; 2; 3; 4; 6; 7; 8; 9; 10; 11; 13; 14; 15; 22; 23; 24; 34; 35; 36; 37; 39; 41; 45-50.
7	Меҳнат шароитларини баҳолаш ва меҳнат шароитлари бўйича иш ўринларини аттестация қилиш услубини ўрганиш.	4		1. Меҳнат шароити ва уни шакллантирувчи омиллар. 2. Меҳнат шароитларини баҳолаш тартиби ва қоидалари. 3. Иш ўринларини аттестация қилиш тартиби.	1; 2; 3; 4; 6; 7; 8; 9; 10; 38; 51.
8	Номенклатуравий тадбирларни тузиш, уларнинг таркиби, маблағ билан таъминлаш ва амалга ошириш, уларнинг ҳуқуқий-меъёрий асосларини ўрганиш.	4	конспект	1. Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларининг турлари. 2. Меҳнат муҳофазаси тадбирларини маблағ билан таъминлаш тартиби. 3. Номенклатуравий тадбирлар, тузиш, таркиби ва уни маблағ билан таъминлаш.	1; 2; 3; 4; 6; 7; 8; 9; 10; 11; 13; 14; 15; 22; 23; 24; 34; 35; 36; 37; 39; 41; 45-50.
9	Меҳнатни муҳофаза қилишда жамоа шартномалари ва жамоа	6		1. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги меъёрий – ҳуқуқий хужжатлар тизими.	1; 2; 3; 4; 6; 7; 8; 9; 10; 11; 13; 14; 15;

жадвал давоми

1	2	3	4	5	6
	келишувларининг аҳамиятини ўрганиш.			2. Мехнатни муҳофаза килишда жамоа шартномалари ва жамоа келишувларининг аҳамияти. 3. Жамоа шартномалари ва жамоа келишувлари таркибига кирувчи масалалар.	22; 23; 24; 34; 35; 36; 37; 39; 41;
10	Техника ва технологик жараёнлар тараққиётининг меҳнатни муҳофаза қилиш фани мавқеи даражасининг ошишига таъсири.	4	реферат	1. Техника ва технология тараққиётининг ишлаб чиқаришдаги аҳамияти. 2. Техника ва технология тараққиёти натижасида меҳнат муҳофазаси фани аҳамиятининг ошиши. 3. Замонавий технологияларда хавфсизликни таъминлаш усуллари.	1; 3; 4; 6; 7; 8; 9; 10; 11; 13- 15; 22; 23; 24; 34; 35; 36; 37; 39; 41; 45-50; 60-67
11	Машина ва механизмлар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган воситаларнинг замонавий турлари.	4		1. Машина ва механизмларда хавфсизликни таъминлаш муаммолари. 2. Машина ва механизмларда хавфсизликни таъминлаш усул ва воситалари. 3. Хавфсизликни таъминлаш техник воситаларининг замонавий турлари таҳдили.	1; 2; 3; 4; 6; 7; 8; 9; 10; 11; 13; 14; 15; 22; 23; 24; 34; 35; 36; 37; 39; 41; 45- 50; 60- 67.
12	Кўчма электр ускуналарида электр хавфсизлигини таъминлаш усуллари ва воситаларини ўрганиш.	4	презентация	1. Ишлаб чиқаришда электр хавфсизлигини таъминлашнинг аҳамияти. 2. Кўчма электр ускуналарида электр хавфсизлигини	1; 2; 3; 4; 6; 7; 8; 9; 10; 11; 12; 13; 14; 15; 16;

жадвал давоми

1	2	3	4	5	6
				таъминлаш усуллари ва воситалари. 3. Кўчма электр ускуналарида ток таъсирига тушган одамга биринчи ёрдам бериш қоидаси.	23; 26; 58.
13	Ишлаб чиқаришда статик электрланиш юзага келиш сабабларини, ҳимояланиш услубларини ва воситаларини ўрганиш.	4	презентация	1. Статик электрланиш, юзага келиш сабаблари, физик моҳияти. 2. Статик электрланишнинг хавфли томонлари. 3. Статик электрланишдан ҳимояланиш услублари ва воситалари.	1; 2; 3; 4; 6; 7; 8; 9; 10; 11; 12; 13; 14; 15; 16; 23; 26; 58.
14	Яшин, ундан ҳимояланиш услублари, воситалари ва тадбирлари.	4	презентация	1. Атмосфера электри, физик моҳияти, физик катталиклари. 2. Яшиндан ҳимоялашнинг категориялари. 3. Яшин қайтаргичларнинг тузилиши, ишлаш принципи, турлари, уларни ҳисоблаш.	; 2; 3; 4; 6; 7; 8; 9; 10; 11; 12; 13; 14; 15; 16; 23; 26; 58.
15	Суюлтирилган, эритилган ва сиқилган газлар сақланадиган идишларни юклаш – тушириш ва ташишда хавфсизлик талабларини ўрганиш.	4	презентация	1. Суюлтирилган, эритилган ва сиқилган газлар сақланадиган идишларнинг техник ҳолатига қўйиладиган талаблар. 2. Босим остидаги идишларни сақлашга қўйиладиган талаблар. 3. Босим остидаги идишларни юклаш – тушириш ва ташишда кўриладиган хавфсизлик талаблари.	1; 2; 3; 4; 6; 7; 8; 9; 10; 11; 13; 14; 15; 22; 23; 24; 34; 35; 36; 37; 39; 41; 45-50; 60-67.

жадвал давоми

1	2	3	4	5	6
16	Буғ ва сув қозонларининг хавфсизлигини таъминлаш ўлчаш - назорат асбобларининг турлари ва ишлаш принципларини ўрганиш.	6	конспект	1. Буғ ва сув қозонларининг вазифаси, тузилиши ва ишлаш принципи. 2. Қозонлар ишлашида юзага келадиган хавфли ҳолатлар. 3. Қозонларининг хавфсиз ишлашини таъминловчи ўлчаш - назорат асбобларининг турлари ва вазифалари.	1; 2; 3; 4; 6; 7; 8; 9; 10; 11; 13; 14; 15; 22; 23; 24; 34; 35; 36; 37; 39; 41; 45- 50; 60- 67.
17	Кўчма компрессор қурилмаларини ишлатиша хавфсизликни таъминлаш тадбирларини ўрганиш.	4	презентация	1. Компрессор қурилмалари тузилиши, ишлаш принципи. 2. Компрессор қурилмалари ишлашида юзага келадиган хавфли ҳолатлар. 3. Компрессор қурилмаларини ишлатиша хавфсизликни таъминлашнинг асосий тадбирлари.	1; 2; 3; 4; 6; 7; 8; 9; 10; 11; 13; 14; 15; 22; 23; 24; 34; 35; 36; 37; 39; 41; 45- 50; 60- 67.
18	Юк ташиш воситаларининг техник ҳолатига қўйиладиган хавфсизлик талабларини ўрганиш.	4	конспект	1. Юкларнинг хавфлилик даражаси бўйича гурухланиши. 2. Юк ташиш жараёнида хавфсизликни таъминлашнинг асосий талаблари. 3. Юк ташиш воситаларининг техник ҳолатига қўйиладиган хавфсизлик талаблари.	4; 6; 7; 8; 9; 10; 11; 13; 14; 15; 22; 23; 24; 34; 35; 36; 37; 39; 41; 45- 50; 60- 67.

* Изоҳ Фойдаланиш учун тавсия этилган адабиётлар рўйхати бўйича тартиб рақами.

4. Мустақил ишларни бажариш бўйича тавсиялар.

“Меҳнат муҳофазаси маҳсус курси” фани бўйича талаба мустақил ишини ташкил этишда талабанинг академик ўзлаштириш даражаси ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда кўрсатманинг 2 бандида келтирилган шакллардан фойдаланиш мумкин. Мустақил ишларни бажаришда уларнинг шаклларига боғлиқ ҳолатда қуидага келтирилган тавсиялардан фойдаланиш мумкин.

Мавзуни мустақил ўзлаштириш. “Меҳнат муҳофазаси маҳсус курси” фанининг хусусияти, талабаларнинг билим даражаси ва қобилиятига қараб фаннинг ишчи дастурида мустақил ўзлаштириш учун киритилган алоҳида мавзулар талабаларга мустақил равишда ўзлаштириш учун топширилади. Бунда мавзунинг асосий мазмунини ифодалаш ва очиб беришга хизмат қиласидиган таянч иборалар, мавзуни тизимли баён қилишга хизмат қиласидиган саволларга эътибор қаратиш, асосий адабиётлар ва ахборот манбаларини кўрсатиш лозим.

Топшириқни бажариш жараёнида талабалар мустақил равишда “Меҳнат муҳофазаси маҳсус курси” фанига оид ўқув адабиётларидан фойдаланиб ушбу мавзуни конспектлаштирадилар, таянч ибораларнинг моҳиятини англаған ҳолда мавзуга тааллуқли саволларга жавоб тайёрлайдилар.

Мавзуни баён этиш учун дарс жараёнидаги режа асосида ва унга қўшимча қилган ҳолда конспектлаштиришлари лозим. Мавзуни баён этувчи конспект талабанинг дафтарида ҳажми 5 бетдан кам бўлмаслиги лозим. Шунингдек, мавзуга доир, таянч иборалар ва уларга изоҳ берувчи глоссарийлар тузилиши лозим. Таянч иборалар сони мавзунинг кўламидан келиб чиқсан ҳолда 15 тадан кам бўлмаслиги лозим. Топшириқ охирида фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва интернет сайтлари (7 - бўлимдаги каби) тартиб бўйича акс эттирилиши лозим.

Зарур ҳолларда (ўзлаштириш қийин бўлса, саволлар пайдо бўлса, адабиётлар этишмаса, мавзуни тизимли баён эта олмаса ва х.к.) талабалар ўқитувчидан маслаҳатлар оладилар.

Мустақил ўзлаштирилган мавзу бўйича тайёрланган матн кафедрада ҳимоя қилинади. “Меҳнат муҳофазаси маҳсус курси” фани бўйича талаба мустақил ишни ташкил этишнинг ушбу шаклида қуидаги мавзуларни ўрганишлари мумкин:

- Номенклатуравий тадбирларни тузиш, уларнинг таркиби, маблағ билан таъминлаш ва амалга ошириш, уларнинг ҳуқуқий-меъёрий асосларини ўрганиш.
- Меҳнатни муҳофаза қилишда жамоа шартномалари ва жамоа келишувларининг аҳамиятини ўрганиш.
- Машина ва механизмлар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган воситаларнинг замонавий турлари.
- Юк ташиш воситаларининг техник ҳолатига қўйиладиган хавфсизлик талабларини ўрганиш.
- Буғ ва сув қозонларининг хавфсизлигини таъминлаш ўлчаш - назорат асблорининг турлари ва ишлар принципларини ўрганиш.

Намуна

Мавзу: Буг ва сув қозонларининг хавфсизлигини таъминлаш ўлчаши - назорат асбобларининг турлари ва ишилни принципларини ўрганиши.

Режса:

1. *Буг ва сув қозонларининг вазифаси, тузилиши ва ишилни принципи.*
2. *Қозонлар ишилашида юзага келадиган хавфли ҳолатлар.*
3. *Қозонларининг хавфсиз ишилашини таъминловчи ўлчаши - назорат асбобларининг турлари ва вазифалари.*

Таянч иборалар:

Қозон; хавфсизлик; ёқилги; ёниш; кислород; чала ёниш; иситиш; иссиқ сув; буг; босим; мустаҳкамлик; чўкинди; авария; фалокат; портлаш; ўлчаши - назорат асбоблари; вентиллар; монометрлар; назорат манометрлари; сатҳни ўлчовчи асбоблар; тескари клапанлар; сақловчи воситалар; арматура; блокировка воситалари.

Реферат тайёрлаш. Талабага реферат сўзининг моҳиятини, унинг бошқа ёзма ишлардан фарқи нимада эканлигини тушунтириш керак.

Реферат лотинча сўз бўлиб “ахборот бераяпман” маъносини билдиради. Реферат бирор мавзу, мақола, илмий асар, ўқилган китоб ва шу кабиларнинг қисқача ёзма ёки оғзаки баёнидир, яъни ўрганилган илмий масаланинг натижаси ҳақида ахборот, тегишли адабиёт ва бошқа манбаларнинг қисқартирилган шарҳли таҳлилини ўз ичига олган маълум мавзудаги маъruzадир. Реферат, одатда илмий ахборот вазифасини ўтайди. Унда муайян мавзу ёритилиши билан бирга, тегишли илмий назариялар, илмий хуносалар таҳлил этилиши ва танқид қилиниши мумкин. Ўзбекистонда реферат илмий тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлари, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари, умумий таълим мактабларида кўп қўлланиладиган дидактик воситадир.

Рефератларни тайёрлашда куйидагилар эътиборга олинади: илмий муаммо ва масаланинг қўйилиши, ечиш методлари, илмий ечим ва унинг таҳлили ҳамда назарий ва амалий аҳамияти, ишлатиш, қўллаш бўйича жуда қисқа матнда ифодалаш; рефератнинг тузилмаси ва шакллантириш тартиби.

Талабага унинг шахсий имкониятлари, қобилияти ва билим даражасини эътиборга олган ҳолда, ҳамда мавзунинг қийинчилик даражасини ҳисобга олган ҳолда бирор мавзу бўйича реферат тайёрлаш топширилади. Реферат талаба томонидан қўлёзма равишда тайёрланиши лозим. Реферат ҳажми ўртacha 10 бет атрофида бўлиши ва фойдаланилган манбалар снўска тарзида матнда ўз аксини топиши лозим.

Рефератнинг ўзига хос структуравий тузилиши мавжуд бўлиб, у қуйидаги қисмлардан иборат бўлади: мавзу; режа; асосий қисм; хуноса; фойдаланилган адабиётлар рўйхати. Ўз навбатида реферат режаси киришдан; бир нечта кўриб чиқилинадиган мавзучалардан иборат бўлади.

Реферат шаклидаги мустақил иш А4 форматдаги варакда күлөзма шаклида бажарилади. Варакда матн чегаралари чапдан 30 мм, ўнгдан 15 мм, тепадан ва пастдан 20 мм бўлиши лозим. Реферат шаклидаги мустақил ишнинг титул варағи 1-илова бўйича расмийлаштирилиши лозим. Ёзувлар бир хил, қора ёки кўк рангда бўлиши, ҳамда текис ва равон қўлда ёзилган бўлиши керак. Битта варакда ўртacha 1350 белги бўлиши керак (40 та белгили 36 та қатор).

Рефератни бажаришда талаба “Меҳнат муҳофазаси маҳсус курси” фанига оид асосий адабиётлардан ташқари қўшимча адабиётлардан (монографиялар, илмий, услубий мақолалар, интернетдан олинган маълумотлар, электрон кутубхона материаллари ва ҳ.к.) фойдаланиб материаллар йигади, тизимга солади ва мавзу бўйича имкон даражасида тўлик, кенг маълумот беришга ҳаракат қиласди.

Талабанинг бажарган ишини баҳолашда ишлаб чиқилган мавзуни ёритишдаги фаоллиги ва уни қанака даражада баён қилиши, ҳамда мавзу бўйича қўшимча саволларга жавоб бера олишига эътибор берилади.

Мустақил иш охирида фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва интернет сайтлари (7-бўлимдаги каби) тартиб бўйича акс эттирилиши лозим. Мавзуни ишлаб чиқишида қийинчиликлар ва тушунмовчиликлар туғилган ҳолларда талаба ўқитувчидан маслаҳат ва кўрсатмалар олади.

Якунланган реферат кафедрада эксперталар иштирокида ҳимоя қилинади.

Намуна

МАВЗУ. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Меҳнат кодексининг меҳнатни муҳофаза қилиши соҳасидаги аҳамияти.

Режса:

Кириши;

- Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг меҳнат муҳофазаси ва ижтимоий соҳага оид моддалари.*
- Меҳнат кодексининг меҳнат муҳофазасига оид моддалари ва уларнинг мөҳияти.*

Хуносас;

Фойдаланилган адабиётлар.

Таянч иборалар:

Конституция; қонун; меҳнат қонунчилиги; меҳнат; меҳнат муҳофазаси; меҳнат шароити; адолатли меҳнат шароити; муҳофаза; ижтимоий муҳофаза; меҳнат кодекси; ишлаб чиқарии; ишловчи; иши берувчи; ишлаб чиқаришдаги муносабатлар; келишувлар; шартномалар.

Кўргазмали воситалар тайёрлаш. “Меҳнат муҳофазаси маҳсус курси” фанидан талабага муайян мавзуни яхшироқ баён қилиши ва мукаммал равишида ўзлаштириш учун ёрдам берадиган кўргазмали материаллар (жадваллар, чизмалар, расмлар, схемалар ва ҳ.к.) тайёрлаш топширилади.

Кўргазмали воситаларнинг миқдори, шакли ва мазмуни талаба томонидан мустақил танланиши мумкин.

Кўргазмали воситалар плакатлардан ташқари слайдлар шаклида “Microsoft PoverPoint” (Микрософт ПоверПоинт) дастурида ҳам бажарилиши мумкин. Слайдлар сони 10 тадан кам бўлмаслиги ва аниқ режа асосида бажарилиши лозим. Слайдлар 1 та нусхада реферат шаклида тикилиб ҳимоя қилинади. Слайдлар тўплами ва унинг электрон варианти кафедрага топширилади.

Бажарилган ишнинг (илмий маъruzанинг ёки ўрганилган мавзунинг) презентация шакли кенг аудиторияга ишнинг мазмуни ва моҳиятини аниқ ва равshan ёритишга ёрдам беради.

Илмий маъruzанинг призентация шаклининг таркибий қисмлари қуидагилардан иборат бўлади: мавзу (мақсади, обьекти, тадқиқот усуллари, илмий янгилиги, амалий аҳамияти, тадбиғи, илмий ишнинг таркибий тузилиши); режа; аннотация; калит сўзлар; асосий қисм (бўлим, қисм, боблар) бўйича матн, чизма, шакл, диаграмма, график ва жадваллар; мавзуга оид хуоса, таклиф, тавсия ва адабиётлар рўйхати тайёрланади ва намойиш этилади.

Ишлаб чиқилган кўргазмали восита кейинчалик ўкув жараёнида қўлланиладиган қилиб ишлаб чиқилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Мавзунинг мураккаблиги ва натижавий кўргазмали воситанинг ҳажмига боғлиқ равища бундай вазифани бир мавзу бўйича бир неча талабага топшириш ҳам мумкин.

Талаба кўргазмали материаллардан фойдаланиш бўйича ёзма равища тавсиялар тайёрлайди ва кафедрада ҳимоя қиласи.

Намуна

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ

“ҲАЁТ – ФАОЛИЯТ ХАВФСИЗЛИГИ” КАФЕДРАСИ

“МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИННИНГ МАХСУС КУРСИ”
ФАНИДАН

МУСТАҚИЛ ИШ

Мавзу: Яшин, ундан ҳимояланиш услублари,
воситалари ва тадбирлари.

Бажарди: _____

Қабул қилди: _____

Тошкент - 201_____

Илмий мақола, тезислар ва маъruzалар тайёрлаш. Талабага бирон-бир мавзу бўйича (мавзуни талабанинг ўзи танлаши ҳам мумкин) илмий (рефератив) тусдаги мақола, тезис ёки маъруза тайёрлаш топширилиши мумкин.

Талаба илмий мақола устида ишлаганда ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини чукур таҳлил қилиш лозимлигини, назарий ва оммавий жиҳатдан умумлаштиришни, иқтисодиёт, фан ва техникада эришилган ютуқларни, илғор иш тажрибаларини оммалаштиришни, иқтисодиёт соҳаларида, шу жумладан фаолият хавфсизлиги соҳасида ҳам, йўл қўйилган нұқсон ва камчиликлар танқид қилинишини кўрсатиб ўтиш керак. Талаба илмий мақола - илмий фикр, илмий иш, илмий ижодиёт, меҳнат, олинган илмий натижаларни ифодалаш шакли эканлигини тўла англаб олиши лозим.

Талабага илмий натижаларни нашрга тайёрлаш тартибини ҳам тушунтириш лозим. Бунда илмий мақоланинг таркибий тузилишига, илмий муаммонинг қисқача тафсилотига, ўрганилганлик даражасига, долзарблигига эътибор қаратилишини кўрсатиш керак. Илмий мақсаднинг қўйилишини, унга асосан вазифаларнинг белгиланишини, илмий масала объектини, ечиш методларини, илмий ечимни олиш шаклларини, олинган илмий натижани таҳлил қилиш тизимини билиш керак. Илмий янгиликни кўрсатиш, даражасини белгилаш, мақсадга мувофиқлигини исботлаш, илмий натижани ишлатиш, фойдаланиш, қўллаш кўламини аниқлаш, хулоса ва тавсия бериш тартибини, ва илмий мақолани шакллантириш тартиби тўғрисида тушунтириш бериш керак.

Талаба илмий иш устида ишлаганда ўқув адабиётлари, илмий-тадқиқот ишлари, диссертациялар, мақола ва монографиялар ҳамда бошқа ахборот манбаларидан мавзуга тегишли материаллар тўплайди, таҳлил қиласи, зарурларини ажратиб олиб, тартибга солади, шахсий тажрибаси ва билими, илмий натижаларига асосланган ҳолда қўшимчалар, изоҳлар киритади, ўз нуқтаи-назарини баён этади ва асослайди. Бунда талаба ўқитувчи билан ҳамкорлиқда ишлайди.

Тайёрланган мақола, тезис ёки маъруза кафедрада ҳимоя қилинади.

Битирув малакавий иши учун материаллар тўплаш. Талаба танлаган битирув малакавий иши мавзуси бўйича (мавзуни талабанинг ўзи эркин равища ёки корхоналардан берилган буюртмалар асосида танлаши мумкин) маълум бир объектдаги меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги ва фавқулодда ҳолатларда хавфсизликни таъминлаш масалалари ҳолатини ўрганиш бўйича материаллар йиғиши ва уларни таҳлил қилиши мумкин.

Йиғилган материалларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида корхонада фаолият хавфсизлигини таъминлаш бўйича йўл қўйилган камчиликларни аниқлайди, ҳамда хуқуқий – меъёрий ҳужжатлар талабларига таянган ҳолда, ҳамда шахсий тажрибаси ва билимларига асосланиб қўшимчалар, изоҳлар киритади, ўз нуқтаи-назарини баён этади ва асослайди, камчиликларни бартараф қилиш бўйича тадбирлар режасини ишлаб чиқади. Тўпланган материаллар, таҳлил натижалари, ишлаб чиқилган тадбирлар ва хулосалар келажакда битирув малакавий иши таркибига киритилиши мумкин. Бунда талаба ўқитувчи билан ҳамкорлиқда ишлайди.

Амалий мазмундаги ностандарт масалаларни ечиш ва ижодий ишлаш. Маълум бир мавзу ёки бўйича ностандарт, алоҳида ёндашиш талаб қилинадиган, назарий аҳамиятга эга бўлган амалий топшириқлар, ижодий ёндашишни талаб қиласидиган илмий-ижодий вазифалар, моделлар, макетлар, намуналар яратиш вазифаси топширилиши мумкин. Амалий тошпириқлар, масалани ҳал қилишнинг мақбул вариантларини излашга ва топишга қаратилган бўлиши керак.

Талабанинг қизиқиши ва қобилиятига қараб, унга илмий характердаги топшириқлар бериш, ўқитувчи билан ҳамкорликда илмий мақолалар тайёрлаш ва чоп этириш мумкин.

5. Мустақил ишларни қабул қилиш ва баҳолаш тартиби

5.1. Мустақил иш режасини тузиш ва ишларни бажариш жараёнини назорат қилиш.

“Меҳнат муҳофазаси маҳсус курси” фани бўйича мустақил иш мавзулари фаннинг намунавий ва ишчи дастурларига асосан берилган. Талаба мустақил ишни бажариш учун юқорида келтирилган жадвалдаги мавзулардан биттасини ўзининг гуруҳ журналидаги тартиб рақами бўйича олади. Жадвалда 18 та мавзу бўлганлиги сабабли 19 чи ва ундан кейинги рақам остидаги талабалар мавзу танлашни яна жадвал бошидан бошлишади.

Хар бир талаба мустақил ишни бажаришнинг режасини тузишни илмий раҳбар билан маслаҳатлашган ҳолда амалга ошириши керак. Бу ҳолат мустақил ишларни бажаришда кўчирмачилик ҳолатларининг олдини олишга ҳам ёрдам беради.

Талабанинг фан бўйича мустақил ишлашини назорат қилиш кафедрада ишлаб чиқилган жадвал ва фаннинг технологик харитаси асосида машғулот олиб борувчи профессор-ўқитувчи томонидан амалга оширилади. Талабанинг рейтинг кўрсаткичлари, шу жумладан мустақил иши бўйича ҳам, факультетнинг анъанавий гуруҳ рейтинг ойнасида ёки маҳсус электрон тармоғида ёритиб борилади. Кафедра томонидан талаба мустақил ишини назорат қилиш турлари ва уни баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилади ва факультет Илмий кенгашида тасдиқдан ўтказилади.

Талаба мустақил иши натижаларини баҳолаш амалдаги "Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низом"га, ҳамда институт ректорининг 8 октябр 2010 йилдаги 333 А/Ф сонли “Талабалар билимини баҳолаш рейтинг тизими тўғрисида”ги буйруғига ва унга асосан кафедрада ишлаб чиқилган мезонга асосан амалга оширилади, яъни амалдаги рейтинг тизими бўйича олиб борилади.

“Меҳнат муҳофазаси маҳсус курси” фани бўйича мустақил ишларни баҳолаш мезонлари талабаларга ўкув йили бошланиши олдидан услубий материаллар билан биргаликда тарқатилади.

“Меҳнат муҳофазаси маҳсус курси” фани юзасидан талабаларнинг

мустақил ишлари бўйича ўзлаштириши мунтазам равища талабалар гурухларида, кафедра йигилишлари ва факультет Илмий Кенгашларида муҳокама этиб борилади.

Талабанинг мустақил иши материаллари кафедра архивида рўйхатга олинади ва ўкув йили мобайнида сақланади.

5.2. Мустақил ишни самарали амалга ошириш учун томонларнинг вазифалари

5.2.1. Кафедранинг асосий вазифалари

Кафедра томонидан мустақил ишни амалга оширишда қуйидаги ишлар амалга оширилиши керак.

- мустақил иш мавзуларини тасдиқлаш ва қайта кўриб чиқиш;
- талаба мавзуни ўрганишда унга керакли кўрсатмалар ва амалий ёрдам бериш;
- талабага илмий раҳбарларни тайинлаш ва биритириш;
- талабанинг ишини тайёрлаши учун режани тасдиқлаб бериш ва унинг вазифасини бажаришини назорат қилиш;
- талаба томонидан бажарилган ишнинг сифатига тақриз беришдан иборат бўлади.

5.2.2. Илмий раҳбарнинг вазифалари

Талабанинг илмий раҳбари ишга раҳбарлик қилишда қуйидаги вазифаларни бажариши керак.

- талаба ишни бажариши учун вазифани тасдиқлаб бериши;
- ишнинг режасини тузишда талабага ёрдам бериши ва керакли адабиётларни тавсия этиши;
- талабанинг режасини тасдиқлаши, режа бўйича мунтазам равища ишни текшириши, маслаҳатлар ва кўрсатмалар бериши;
- талаба ишни бажаришида ташкилий ва услубий йўналишлар бериб бориши.

5.2.3. Талабанинг вазифалари

Талаба мустақил ишни бажариш жараёнида қуйидагиларни бажариши лозим:

- мустақил ишнинг мавзусини кафедранинг талабларидан келиб чиқсан ҳолда танлаш;
- илмий раҳбар билан биргаликда тузилган режа асосида берилган топшириқларни ўз вақтида бажариш;
- топшириқни бажариш давомида кўрсатилган ва тавсия этилган турли манбалардан тўла фойдаланиш;
- тузилган режадаги мавзуларнинг барчаси устида мукаммал ишлаш;
- ўрнатилган тартиб бўйича мустақил ишнинг ҳисботини шакллантириш, ҳимоя қилиш ва ўз вақтида кафедрага тақдим этиш.

5.3. Талабалар мустақил иши бўйича маслаҳатлар ташкил этиш тартиби

1. “Меҳнат муҳофазаси маҳсус курси” фанидан талабалар мустақил иши бўйича консультация дарси аудиториядан ташқарида амалга оширишга мўлжалланган мустақил ишларни бажариш юзасидан тегишли йўлланмалар бериш ва унинг бажарилишини назорат қилиб бориш мақсадида ташкил қилинади.

2. Талабалар мустақил иши бўйича консультация дарси фаннинг календар-тематик режасига мувофиқ ўтказилади.

3. Консультация дарси тегишли фан ўқитувчиси томонидан ўтказилади.

4. Фан ўқитувчиси консультация дарсида қуидаги ишларни амалга оширади:

- талабалар мустақил иши топшириқларини бажариш юзасидан тегишли йўлланмалар беради;
- топшириқни бажариш режасини тузишга ёрдамлашади;
- тегишли адабиётлар ва ахборот манбаларини тавсия қиласди;
- талабалар мустақил иши юзасидан тайёрланган ишланма, ҳисобот, реферат, ҳисоб-китоб ва топшириқ натижаларини қабул қиласди ҳамда баҳолайди.
- мустақил ишларни тўплаб кафедра архивига топширади.

5. “Меҳнат муҳофазаси маҳсус курси” фанидан талабалар мустақил иши бўйича консультация талабаларнинг дарсдан бўш вақтларида дарс жадвалига киритилади.

Намуна

Хафта кунлари	Жуфтлик	Фан номи	Аудитория	Машғулот тури	Ўқитувчининг Ф.И.Ш.
Чоршанба		МММК		Маъруза	
Шанба		МММК		Маъруза	

6. Талабалар мустақил иши бўйича консультация дарслари ўқитувчи журналида қайд этиб борилади.

6. Мустақил ишни бажаришга тайёргарлик

6.1. Адабиётларни танлаш

Талаба “Меҳнат муҳофазаси маҳсус курси” фани бўйича мустақил ишни самарали бажариши учун шу фанга тааллуқли бўлган барча турдаги адабиётларни ва манбаларни кўриб чиқиши лозим: маҳсус; илмий; илмий-оммобоп; маълумотномалар, шу жумладан статистик; умумий.

6.2. Адабиётларни ўрганиш ва асосий маълумотларни йиғиши

Адабиётларни ўрганишдан олдин яна бир бор мавзууни тўғри танланганлигига ишонч ҳосил қилиш лозим.

Талаба адабиётларни мустақил равишда ёки раҳбар билан маслаҳатлашган ҳолда тўғри танлаши керак. Манбаларни тўплашда талаба унинг чоп этилган йилига ҳам алоҳида эътибор бериши лозим. Эски манбалардан олинган маълумотлар бугунги кундаги долзарб ҳисобланган муаммоларни ечишда унчалик аҳамиятли бўлмай қолади.

Талаба бир нечта манбаларни қиёсий таҳлил қилган ҳолда ўзига энг маъқул деб топган маълумотларни олгандағина олиб борган мустақил иши самарали бўлади.

7. Мустақил ишни бажариш учун тавсия этиладиган адабиётлар.

7.1. Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

1. Юлдашев О.Р., ва бошқалар. Мехнатни муҳофаза қилиш. -Т., 2005.
2. Ёрматов F., Исамуҳамедов Ё. Мехнат муҳофазаси. -Т.: Ўзбекистон, 2002. – 384 б.
3. Йўлдашев Ў.Р., Усмонов, У., Қурдатов О. “Мехнатни муҳофаза қилиш”. –Т.: 2001.
4. Фойипов Ҳ. Э. Мехнат муҳофазаси. -Т.: Мехнат, 2000. – 253 б.
5. Yormatov G.YO. va boshqalar. Hayot faoliyati xavfsizligi. –Т.: “Aloqachi”, 2009 yil. – 348 b.
6. G‘oyipov Н.Е. Hayot faoliyati xavfsizligi. –Т.: “Yangi asr avlodi”, 2007 yil. – 264 b.
7. Qudratov A. va b.. "Hayotiy faoliyat xavfsizligi". Ma’ruza kursi. “Aloqachi” - Т.: 2005. -355 b.
8. Мастрюков Б. С. Безопасность в чрезвычайных ситуациях: Учеб. для студентов вузов. -М.: Академия, 2004. -336 с.
9. Безопасность технологических процессов и производств (Охрана труда): Учеб. пособие для студентов вузов /П.П. Кукин, В.Л. Лапин, Н.Л. Пономарев, Н.И.Сердюк. -2-е изд., испр. и доп.-М.: Высш. шк., 2002.-319 с.
- 10.Пчелинцев В.А. и др. Охрана труда в строительстве. -М.: Высш. шк., 1991. – 272 с.
- 11.Луковников А.В. Мехнат муҳофазаси. – 4-чи русча нашридан таржима. - Т.: Ўқитувчи, 1984. – 373 б.
- 12.Луковников А.В., Шкрабак В.С. Охрана труда. – 6-е изд. -М.: Агропромиздат, 1991. – 319 с.
- 13.Охрана труда /Под. ред. Ф.М. Канарева. – 2-е изд. -М.: Агропромиздат, 1988. – 351 с.
- 14.Беляков Г.И. Охрана труда, -М.: Агропромиздат, 1990. – 320 с.
- 15.Охрана труда в электроустановках. /Под. ред. Б.А. Князевского. – 3-е изд. -М.: Энергоатомиздат, 1983. – 336 с.
- 16.Филиппов Б.И. Охрана труда при эксплуатации строительных машин. 3-е изд. -М.: Высш. шк. 1984. -392 с.

7.2. Қўшимча адабиётлар

17. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: "Ўзбекистон", 2008.
18. Ислом Каримов. "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари". –Т.: "Ўзбекистон", 1997.
- 19.Ислом Каримов. "Жаҳон молиявий–иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари". –Т.: "Ўзбекистон", 2009.
- 20.Луцкий В.Г. Охрана труда при эксплуатации оросительных систем. -М.: Агропромиздат, 1990. – 61 с.
- 21.Юлдашев Ў.Р., Усмонов У., Мирабзалов М. “Ёнғин хавфсизлиги асослари”. –Т.: 1995.
- 22.Ёрматов Ф. “Фавқулотда ҳодисалар ва уларга қарши кураш чоратадбирлари”. –Т.: 2002.
- 23.Шкрабак В.С., Казлаускас Г.К. Охрана труда. -М.: Агропромиздат, 1989. – 480 с.
- 24.Додобоев Ю., Ҳамидов М. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида меҳнат муҳофазаси. –Т.: Меҳнат, 1990. – 136 с.
- 25.Отахонов М. Қурилишда меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси. - Т.: Меҳнат, 1991. – 104 б.
- 26.Долин П.А. Справочник по технике безопасности. 6-е изд. -М.: Энергоатомиздат, 1985. – 824 с.
- 27.Безопасность производственных процессов: Справочник/ Под общ. ред. С.В. Белова. - М.: Машиностроение, 1985. – 448 с.
- 28.Охрана труда в сельском хозяйстве: Справочник /Сост. В.М. Михайлов и др. 4-е изд. -М.: Агропромиздат, 1988. – 543 с.
- 29.Фурман И.В. Охрана труда при выполнении гидромелиоративных работ. - М.: Россельхозиздат, 1982. – 144 с.
- 30.Ёнғин хавфсизлиги.2-нашри./А.Е. Худоев таҳрири остида. –Т.: Ўз.Р. ИИВ ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби. 2007. – 722 б.
- 31.Бобожонов Р.Д., Ибрагимов Э.И. „Ҳаёт-фаолият хавфсизлиги” фанидан маъruzалар матни тўплами. –Т.: 2000. – 134 б.
- 32.Основы инженерной психологии. /Под. ред. Б.В. Ломова. 2-е изд. -М.: Высш. шк., 1986. – 448 с.
- 33.“Меҳнат Кодекси”. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. –Т.: 2005 й., 37-38 - сон.
- 34.“Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. –Т.: 2002 й., 1-сон.
35. Меҳнат муҳофазаси бўйича Вакил тўғрисида Низом. Адлия вазирлиги томонидан 1995 йил 18 декабрда 196-сон билан давлат рўйхатидан ўtkazилган, –Т.: 1995.
- 36.Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисида. Меҳнат вазирлигининг Намунавий низоми, №273 от 14.08.1996, –Т.: 1996.

37. Мехнат муҳофазаси бўйича ўқишлиарни ташкил қилиш ва билимларни синаш тўғрисида. Мехнат вазирлигининг Намунавий низоми, №272 от 14.08.1996, –Т.: 1996.
38. Мехнат шароитларини баҳолаш ва меҳнат шароитлари бўйича иш ўринларини аттестация қилиш услуби. Мехнат вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ишлаб чиқсан, №247, 28.05.1996, –Т.: 1996.
39. Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил заарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги Низом. Вазирлар Маҳкамасининг қарори №286, 06.06.1997, –Т.: 1997.
40. “Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”ги қонун. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 37-38-сон.
41. “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги қонун. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, –Т.: 2009 й., 16-сон.
42. “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги қонун. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, –Т.: 2009 й., 17-сон.
43. “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонун. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, –Т.: 2010 й., 20-сон.
44. Таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнида ўқувчилар ва талабалар билан юз берган баҳтсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисида НИЗОМ. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, -Т.: 2011 й., 3-сон, 29-модда.

7.3. Интернет сайтлари.

45	www.gov.uz	-	Ҳукумат сайти
46	www.edu.uz	-	ОЎМТВ сайти.
47	www.bilim.uz.	-	ОЎМТВ сайти
48	www.ziyo.edu.uz	-	ОЎМТВ сайти
49	www.agro.uz	-	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги сайти.
50	www.mintrud.uz	-	Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофaza қилиш вазирлиги сайти.
51	www.minzdrav.uz	-	Соғлиқни сақлаш вазирлиги сайти.
52	www.mvd.uz	-	Ички ишлар вазирлиги сайти.
53	www.mchs.gov.uz	-	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги сайти.
54	www.uznature.uz	-	Табиатни муҳофaza қилиш Давлат қўмитаси сайти.
55	www.standart.uz	-	Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги сайти.
56	www.v-nadzor.uz	-	Катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси (Давсувхўжаликназорат) сайти.

57	www.sanoatktn.uz	- Саноатда, кончилиқда ва коммунал-майший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси (Саноатконтехназорат) сайти.
58	www.energonazorat.uz	- Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси (Ўздавэнергоназорат) сайти.
59	LexUz	- Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилик базаси.
60	http://www.hsea.ru	- Охрана труда. Промышленная и пожарная безопасность. Предупреждение чрезвычайных ситуаций.
61	http://www.meduhod.ru	- Первая медицинская помощь.
62	http://www.gosnadzor.ru	- Федеральная служба по экологическому, технологическому и атомному надзору.
63	http://www.znakcom plect.ru	- Охрана труда и техника безопасности.
64	www.ohranatruda.ru	- Охраны труда, технике безопасности и пожарной безопасности.
65	http://www.atis-ars.ru /strolist.php	- Атис-Арс: охрана труда и техника безопасности.
66	http://otipb.narod.ru/ http://otipb.ucoz.ru/.	- Интернет справочник "Охрана труда и пожарная безопасность".
67	http://ipb.mos.ru/ttb	- Интернет журнал “Технологии техносферной безопасности”

Илова

Талаба мустақил иши муқовасини расмийлаштириш намунаси.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ

“ҲАЁТ-ФАОЛИЯТ ХАВФСИЗЛИГИ” кафедраси

“МЕХНАТ МУҲОФАЗАСИ МАҲСУС КУРСИ”

фанидан

M Y C T A K I L I I I

***МАВЗУ. Мехнат шароитларини баҳолаши ва меҳнат шароитлари бўйича иш ўринларини аттестация қилиш
услубини ўрганиш.***

Бажарди:
ҲФХ йўнал.
— босқич — гурӯҳ _____
талабаси

Қабул қилди: _____

Тошкент – 201_

Мундарижа

Кириш	3
1. Мустақил ишнинг мақсади ва унга қўйиладиган талаблар	5
2. Талабалар мустақил ишларининг шакли ва мазмuni	6
3. “Меҳнат муҳофазаси маҳсус курси” фанидан мустақил ишлар мавзулари	7
4. Мустақил ишларни бажариш бўйича тавсиялар	13
5. Мустақил ишларни қабул қилиш ва баҳолаш тартиби	18
6. Мустақил ишни бажаришга тайёргарлик	20
7. Мустақил ишни бажариш учун тавсия этиладиган адабиётлар.....	21
8. Илова. Талаба мустақил иши муқовасини расмийлаштириш намунаси	25

ИБРАГИМОВ ЭРКИН ИСМАИЛОВИЧ

“МЕХНАТ МУҲОФАЗАСИ МАҲСУС КУРСИ”

**фанидан талабалар мустақил ишини
бажариш бўйича**

(МЕТОДИК КЎРСАТМА)

МУҲАРРИР: **М. НУРТОЕВА.**

МУСАҲХИХ: **Д. БОЙЗОҚОВА.**

Босишга рухсат этилди „ ” 2012 й.
Қоғоз ўлчами 60x84 1/16. Ҳажми 1,8 босма табоқ. 50 нусха.
Буюртма № ТИМИ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент-700000. Кори-Ниёзий кўчаси 39 уй.